# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИС ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

1997 йил 22 август. Жума №67 (5.838). Сотувда эркин нарҳда


## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 август куни БМТ Бош котибининг Афғонистондаги махсус вакили Ладхар Брахими бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Учрашувда Афғонистонда кечаётган воқеалар хусусида гап борди.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш лозимлиги, бунинг учун эса, аввало у ерга қурол-яроғ киритишни тўхтатиш, ихтилофчи томонларни муросага келтириш, бу ишга йирик давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларни кенг жалб қилиш лозимлиги ҳақида баёнот берган эди. Ундан кейин ҳам турли минбарлардан туриб, бу можарога мамлакатимизнинг муносабати аниқ-равшан баён этиб келиняпти.

Суҳбат чоғида БМТнинг Афғонистондаги фаолияти ҳамда минтақавий хавфсизлик билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Қабул маросимида Президентнинг давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).



Суратда: қабул пайти.

А.ТЎРАЕВ олган сурат.(ЎзА).

## ТАДБИРКОР ТАШАББУСИ

Конимех туманидаги «Шўркўл» жамоа хўжалиги бўрдоқичилик билан шуғулланади. Бу ерда моллар туёғи камайиб, борлари ҳам гўштга топшириб юборилган, оқибатда хўжалик инқирозга юз тутган эди. Тумандаги Абай номли жамоа хўжалигида ферма мудири бўлиб ишлаб келаётган ёш, тажрибали зоотехник Нурилла Давлатбоев хўжаликка раис бўлдию, иш ўнглана бошлади. Қўшни вилоятлардан ғунажинлар, шунингдек 180 бош қорамол, от ва туя харид қилинди.

Ҳозир хўжаликда жами минг бош қорамол бўлиб, шундан 50 таси соғин сигирдир. Уларнинг ҳар биридан кунига ўртача ўн килограммгача сут олиняпти. Гўштга топшириладиган молнинг тирик вазни ўртача 300-320 килограммга етказилаётир. Чорва учун мустаҳкам озуқа базаси яратилган. Тўрт юз эллик гектарга яқин ерга ғалла, 300 гектар майдонга беда, 60 гектар ерга махсар ва 450 гектар майдонга сорго экилганлиги бу борада жуда қўл келмоқда. Айни вақтда қўшни Бухоро вилоятидан омихта ем келтириш йўлга қўйилган. Буларнинг ҳаммаси гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш, таннархини камайтириш имконини бермоқда.

(ЎзА).

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАНГАНЛИГИ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

1997-1998 йилларда қишлоқ хўжалигини юқори унумли машина-трактор, ерга ишлов берувчи ва ўрим-йиғим техникаси билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қуйидагилар:

ҳукумат комиссияси томонидан мавжуд паркнинг қишлоқ хўжалиги техникаси аҳволи комплекс тадқиқ этилгани, республика аграр секторини тубдан техник қайта жиҳозлашни таъминловчи машиналар билан ҳар йили тўлдириб бориш нормативлари белгиланганлиги;

ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси томонидан АҚШ Эксимбанки ва «Ўзкейсагролизинг» қўшма корхонаси билан биргаликда кредит ва молиявий лизинг шартларида импорт қилинадиган техниканинг айрим турларини етказиб бериш масалалари ишлаб чиқилганлиги;

«Ўзқишлоқхўжаликмаш-Холдинг» компанияси ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси томонидан бир қанча етакчи хорижий компаниялар билан биргаликда янги қишлоқ хўжалиги машиналари ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўриш, тузилаётган қўшма корхоналар доирасида хизмат кўрсатувчи сервис марказларини ташкил этиш ниҳоясига етказилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Ўзқишлоқхўжаликмаш-Холдинг» компаниясининг:

импорт бўйича харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги машиналари учун улардан фойдаланишдаги ишончлиликни ошириш ва республикада мукаммал тузатиш-тиклаш ишларини олиб бориш учун база яратиш мақсадида эҳтиёт қисмлар ва ишчи органлари ишлаб чиқаришни саноат асосида ўзлаштириш тўғрисидаги таклифи;

Холдинг таркибига кирувчи корхоналар ва хорижий фирмалар билан қўшма корхоналарнинг қишлоқ хўжалиги машиналарининг асосий турларини ишлаб чиқариш дастури тўғрисидаги таклифи;

қишлоқ хўжалиги машиналари ва агрегатлари ишлаб чиқарувчи янги қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича инвестицияга оид ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 1997-98 йилларда республика шароитларида синаб кўрилган қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилишга оид таклифига розилик берилсин, бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

шоли ўриш комбайнларини етказиб бериш «Ўзкейсагролизинг» қўшма корхонаси томонидан таъминланадиган лизинг операцияси шартларида амалга оширилади;

ҳайдов тракторлари, шунингдек, ғалла ўриш комбайнлари етказиб бериш бўйича контрактлар қийматининг 85 фоизи АҚШ Эксимбанкининг суғурта қопламаси остида хорижий банкларнинг тўлов муддати 5 йил бўлган кредитлари ҳисобига маблағ билан таъминланади;

контракт қийматининг 15 фоизи миқдоридаги аванс тўлови ҳамда ҳайдов тракторлари ва ғалла ўриш комбайнлари харид қилиш учун маблағ билан таъминлашни ташкил этиш харажатлари «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

хорижий банклар кредитларини ва улар бўйича фоизларни тўлаш «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси даромадлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ҳокимликлари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4. Молия вазирлиги импорт қилинадиган машиналарни харид қилишда уларнинг вилоятлар бўйича тақсимланишини ҳисобга олган ҳолда кредитларни тўлаш манбаларида маҳаллий бюджетларнинг улушини белгиласин.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазири жалб қилинадиган кредитлар бўйича АҚШ Эксимбанкига ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига Ўзбекистон Республикаси ҳукумати кафолатини белгиланган тартибда беришга вакил қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолати бўйича юридик хулосани белгиланган тартибда берсин.

7. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки белгиланган тартибда кредит битимини тузсин ва АҚШ Эксимбанки суғурта қопламаси остидаги хорижий банк маблағлари «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасига қайта молиялаштирилишини таъминласин.

8. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси республикага импорт бўйича келтириладиган тракторлар ва комбайнлар учун бож пошлиналари ҳамда йиғимлар тўлашдан озод қилинсин.

9. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар 1998 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги машиналарининг янги турларини харид қилишни қатъий равишда танлов асосида амалга оширсинлар. Тушадиган таклифларни танлов асосида танлаб олиш мақсадида махсус қўшма ишчи комиссияси тузилсин.

10. Белгилансинки, мазкур қарорга мувофиқ қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган барча техника машина-трактор парклари балансига берилади.

Ушбу техникаларни ажратиш кўрсатиб ўтилган паркларнинг техник базаси, сервис ҳолати ва умуман таъминланганлиги билан боғлиқ равишда амалга оширилсин.

11. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари хўжаликлар томонидан ишлаб турган қишлоқ хўжалиги паркидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши, қишлоқ хўжалиги машиналарининг асосланган ҳолда ҳисобдан чиқарилиши ва янгиланишининг назорат қилиниши учун шахсан жавоб берадилар.

12. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитасининг Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институти ҳузурида замонавий қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш ва унга сервис хизмати кўрсатиш учун муҳандис-техник ходимлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув маркази ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда чет эллардан сотиб олинадиган ва чет эл технологиясидан фойдаланган ҳолда қўшма корхоналарда тайёрланадиган тракторлар ва мураккаб машиналарда ишлаш учун механизаторлар тайёрловчи ҳамда уларнинг малакасини оширувчи доимий ишлайдиган курслар ташкил этсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 20 август

*Матбуот сўзининг таъсири*

## «НАСИЯ БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ»

**Республикамиздаги қатор вилоят ва туманларда жамоа чорвачилиги ривожига катта эътибор берилмоқда. Соҳада иқтисодий ислоҳотлар изчил жорий қилиниши натижасида йилдан-йилга гўшт, сут етиштириш кўпаймоқда. Маҳсулотларни қайта ишлашга алоҳида эътибор берилаяпти.**

**Лекин айрим хўжаликларда бунинг акси, хўжалик раҳбарлари, чорвачилик мутахассислари дўппи тор келганда «Ундай қиламиз, бундай қиламиз», — деб қуруқ ваъдалар беришади.**

**«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг шу йил 30 май сонида чоп этилган «Насия билан иш битмайди» сарлавҳали танқидий мақолада Қорақалпоғистон Республикасидаги баъзи қайта ишлаш корхоналари фаолияти танқид қилинган эди. Куни кеча ушбу мақолага Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашидан жавоб хати олинди. Унда қуйидагилар билдирилган:**

Газетада чоп этилган «Насия билан иш битмайди» сарлавҳали танқидий мақолада «Нукуссут» ҳиссадорлик жамиятининг ишлаб чиқариш фаолиятида йўл қўйилган нуқсон ва камчиликлар тўғри кўрсатиб ўтилган. Чиндан ҳам бу жамият Элликқалъа туманидаги «Оқ йўл», «Чашма» чорвачилик жамоалари билан тузган шартномани бажармаган. Топширилган маҳсулотлар учун ўз вақтида пул ўтказмай, қарздор бўлиб қолган. Ҳозирги кунга келиб бу қарзлар тўла тўланди. «Чашма» чорвачиликка ихтисослашган ҳиссадорлик жамияти жамоасига 189196 сўм пул ўтказилди. Шу билан бирга сутнинг харид нархи оширилди. Эндиликда биринчи сифатли бир килограмм сутга 15 сўм, иккинчисига эса 14,5 сўм пул тўланадиган бўлди.

Бундан ташқари Тўрткўлдаги сут қабул қилиш пунктига «Нукуссут» ҳиссадорлик жамияти томонидан сут ташийдиган машина ажратилди.

Умуман олганда «Насия билан иш битмайди» сарлавҳали мақолада билдирган танқидий мулоҳазалардан тегишли хулоса чиқарилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни рағбатлантириш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бундан буён ҳам барча тадбирларни амалга оширамиз.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Ж.ҚЎЧҚОРОВ.**

## «НАТИЖА ИМКОНИЯТ ДАРАЖАСИДА ЭМАС»

**Чорвадан баракали маҳсулот оламан деган раҳбар, аввало ем-хашак ва ширали озуқа тайёрлашга жиддий эътибор бериши, ердан, сувдан, имкониятдан яхши фойдаланиши лозим. Бухоро, Тошкент вилоятларида ана шундай ишлар қилинди. Чорвадорлар қировли қишга етарли ем-хашак жамғаришди. Лекин бу борада оқсаётган вилоятлар ҳам йўқ эмас. Фарғона, Хоразм, Жиззах вилоятлари шулар жумласидандир.**

**«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасининг 1 июль сонида чоп этилган «Натижа имконият даражасида эмас» сарлавҳали мақолада юқорида номлари қайд этилган вилоятларда имконият даражасида чорва қишловига тайёргарлик кўрилмаганлиги, озуқа жамғаришда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилган эди.**

**Куни кеча таҳририят Фарғона вилояти ҳокимлигидан ушбу танқидий мақолага жавоб хати олди. Унда шундай дейилади:**

«Қишлоқ ҳаёти» рўзномасида босилган «Натижа имконият даражасида эмас» сарлавҳали мақола барча туманларда муҳокама этилиб, камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

1997 йил 8 августга қадар вилоят хўжаликларида 151,6 минг тонна дағал хашак тайёрланиб, режа 37,8 фоизга бажарилди. 8247 гектар майдондаги беданинг 3-ўрими 69 фоизга адо этилди. Силос учун 8950 гектар ўрнига 8967 гектар майдонга маккажўхори экилди. Булардан ташқари бошоқли дондан бўшаган 31,9 минг гектар ерга силос учун маккажўхори экилди. Экинлар шу кунларда агротехника қоидалари бўйича парвариш қилинмоқда.

Белгиланган чора-тадбирларни бажарилиши вилоят ҳокимлигининг доимий назорати остида бўлади.

**Фарғона вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари А.ОТАБОЕВ.**

## ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ?

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида 20 август куни тегишли вазирликлар, қўмиталар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган мажлисда ана шу ҳақда гап борди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди. Мажлисни Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Республикамизда бу йил кенг майдонларда чигитни плёнка остига экиш технологиясининг жорий этилгани ва об-ҳаво, тупроқ ҳароратининг юқори бўлгани боис ҳосил аввалги йилларга қараганда анча эрта пишиб етилмоқда. Бу эса пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишларига ҳам барвақт киришишни тақозо этади.

Мажлисда қишлоқ ва сув хўжалиги вазири М. Жуманиёзов, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-кооператив қўмитаси раиси Б. Олимжонов пахта териш техникасини мавсумга ҳозирлаш ва ғўза баргини тўктиришга тайёргарлик ишлари тўғрисида ахборот берди.

Бугунги кунда республика бўйича зарур миқдорда дефолиантлар жамғарилган бўлиб, ғўза баргини тўктиришда фойдаланиладиган техник воситалар ҳам жадал ҳозирланмоқда. Пахта терими билан боғлиқ техникани таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Мажлисда ҳукумат қарорида белгиланган янги пахта териш машиналарини хўжаликларга етказиб бериш, жойларда техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш, ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш, шунингдек, далада ишловчилар учун зарур маданий-маиший шароит яратиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Пахта йиғим-теримига тайёргарликни жадаллаштириш борасида зудлик билан ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларга эътибор қаратилди, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Қарорда кўрсатиб ўтилган вазифаларни бекаму кўст бажариш борасида мутасадди раҳбарларга аниқ кўрсатмалар берилди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосари А. Муҳиддинов қатнашди.

(ЎзА).

## БИР ИШ КУНИДА УДДАЛАНДИ

**Ғузор туманидаги А. Турсунов номли хўжаликнинг Тўра Чоршанбиев етакчи ижарачилар жамоаси теримнинг дастлабки кунидаёқ давлатга пахта сотиш режасини ўринлатдилар. Қабул пунктларига 24 тоннадан зиёд хом ашё етказиб берилди. У юқори навларга қабул қилинди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил 24 центнердан ошди.**

**Ижарачилар даласида чевар теримчилардан Моҳира Ортиқова, Меҳри Абдусаидова, Шаҳноза Пардаева, Гулсара Пардаева ва бошқалар 130-135 килодан зар териб бериб хирмонга барака киритдилар.**

**—Биринчи довондан ўтдик, — дейди хушнудлик билан Т. Чоршанбиев — Эндиги ниятимиз ҳосилдорликни 40 центнерданга етказиш. Бунинг учун имкониятимиз етарли. Пахтазорда ҳали ҳосил мўл.**

**Шунингдек, хўжаликнинг Берди Эргашев, Жўра Абдусаидов, Эрназар Юсупов, Азамат Маханов етакчилик қилаётган бригадаларда ҳам мавсум қизғин давом этаётир. Улар ҳам марра сари тобора яқинлашмоқдалар.**

**Э. БОЗОРБОЕВ.**

## МАҚСАД — ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ

Бу йил Пешку туман хўжаликларида 1200 гектар ерга Андижон усулида чигит экишган эди. Ана шу майдонларда пахта очилди. Тош-тарозилар, хирмонжойлар, теримчилар учун этаклар ҳозирлаб қўйилди.

Жорий йилда ҳосилдорликни 50-60 центнерга етказишга аҳд қилган «Пахтаобод» жамоа хўжалигининг Ҳасан Нуров, «Боғимусо» жамоа хўжалигининг Иззат Бобоқулов, Йўлдош Эргашев номли жамоа хўжалигининг Муяссар Турдиев бригадаларида ишлар намунали ташкил этилган.

## ТАЪМИНОТ ЯХШИ БЎЛГАЧ...

**«Зарафшон» ёрдамчи хўжалиги чўлқуварлари ўз вақтида ёғ, ун, гуруч каби кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланмоқда. Ойлик маошларини вақтида олишяпти.**

**Бу йил жамоада 200 гектар ерда ғалла етиштирилган эди. Режадаги 400 тонна ўрнига 617 тонна ҳосил йиғиб олинди. Шу кунларда 364 гектар ердаги ғўзаларни парваришига катта эътибор берилмоқда. Илғор пудратчилар Соат Тоғаев, Улуғбек Избосаров, Норқул Асроров, Фарҳод Маликовлар меҳнатда зўр фидойилик кўрсатишяпти.**

**Собиржон ҚОДИРОВ.**

## МАРРА ЯҚИН

Наманган туманида ҳам йиғим-терим ишлари бошланди. Мавсумга биринчилардан бўлиб киришган ёпиқ турдаги «Ўзбекистон» ҳиссадорлик жамияти заршунослари бу йил 568 гектар майдонда оқ олтин етиштиришди. Шунинг 280 гектар ерига чигит плёнка остига экилиб,ғўза парваришланди.

— Плёнка остида ундирилган экиннинг ҳар тупида бугунгача 6-7 тадан кўсак очилди, — дейди жамият раиси Ҳамидхон Набиев. — Бир неча кундирки, пахтаси эрта ва қийғос очилган Рустамжон Эралиев бошлиқ бригада далаларида эгат танлаб дур терилаяпти. Бунда бригаданинг И. Омонов, С. Баҳронова, М. Усмонова сингари жонкуяр аъзолари ғайрат кўрсатишмоқда.

**А. ҚОРАБОЕВ. «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

## Истиқлол деҳқонга нима берди?

# ШОЛИЧИЛИКДА ИСТИҚБОЛЛИ ТЕХНОЛОГИЯ

*Тажриба, таҳлил, таклиф*

Маълумки, инсон ҳаётида гуруч муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис бу масала мамлакатимиз дон мустақиллиги дастурининг таркибий қисмидир. Ҳозирги вақтда илмий асосланган талаб бўйича ҳар бир киши йил давомида ўртача 28 килограммгача гуруч истеъмол қилиши белгиланган бўлса, сўнгги беш йил таҳлили шуни кўрсатадики, ўзимизда етиштирилаётган гуруч киши бошига 8—11 килограммни ташкил қилмоқда.

Шоликор минтақа — Қорақалпоғистон Республикасида ўтган йили давлатга шоли сотиш режаси 57 фоизга бажарилиб, ҳосилдорлик ўртача 22 центнерни ташкил этди. Кундан-кунга ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжини қондириш учун аҳволни тубдан яхшилаш талаб этилади. Бунинг учун йилига ўртача 0,8—1 миллион тоннадан ортиқ шоли етиштириш керак. Республикамизда 1997 йилда экиладиган қишлоқ хўжалик экинлари тизими бўйича шоли 170 минг гектар ерга экилиши кўзда тутилган бўлиб, шундан асосий майдон, яъни 99 минг гектари Қорақалпоғистон Республикасига, 40 минг гектари Хоразм вилоятига, 11,4 минг гектари Тошкент вилоятига ва 5,6 минг гектари Сурхондарё вилоятига тўғри келади. Қолган қисми бошқа вилоятларга бўлинган. Шоли экиш учун ажратилган бу ерларда тупроқ унумдорлигини пасайтирмаган ҳолда самарали фойдаланиш ва юқори ҳосил олиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази шоличилик илмий-тадқиқот институти олим ва мутахассислари томонидан республика тупроқ иқлим шароитига мос равишда берилган аниқ тавсия ва қўлланмаларни, кам харажат талаб этиладиган самарали усулларни, юқори ҳосил берадиган навларни танлаш, замонавий илғор технологияни қўллаш, уларни такомиллаштириш, бозор шароитида ишлаб чиқариш муносабатларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориш талаб этилади.

Иккинчидан, деҳқончиликнинг энг асосий замини ва шарти бўлган уруғчиликка катта эътибор берилиши керак. Республикада асосий ва такрорий экин билан қўшганда 1998 йили 195 минг, 1999 йили 217 минг ва 2000 йили 240 минг гектарга шоли экиш режалаштирилган. Шунга асосан 1998 йили 18 минг тонна, 1999 йили 21 минг тонна, 2000 йилда 24 минг тонна сифатли II Репродукция уруғлик тайёрлаш лозим. Бу етиштирилган уруғлик экилиб, III Репродукция олинади. Унинг бир қисми Ш Репродукция сифатида экилиб, бир қисми илмий-тадқиқот институти ва унинг Қорақалпоғистон филиали томонидан 1998 йил деҳқончилиги учун республикамиз уруғчилик хўжаликларига жами 458 тонна элита уруғлиги етказиб берилди. Булар институт ва унинг Қорақалпоғистон филиалида яратилган ва районлаштирилган шолининг «Авангард», «УзРОС 7—13», «Нукус—2», «Гулзор», «Аланга», «Лазурний» каби эртапишар, ўртапишар ва кечпишар юқори ҳосилли навларидир.

Бундан ташқари ҳозирги вақтда шолининг истиқболли янги «Истиқлол» ва «Мустақиллик» каби навлари яратилиб, давлат синаш бўлимига берилди. Ҳозирдан бошлаб бу уруғлик сифатли тайёрланиши вилоят, туман ҳокимларининг қатъий назорати остида бўлиб давлатга маҳсулот дон сотиш сифатида беришни таъқиқланади. Афсуски, ҳозирги вақтда институтлар томонидан йиллар давомида жуда катта маблағ сарф қилиниб етиштирилган уруғликни маҳсулот дон сифатида топшириш ҳоллари юз бермоқда. Белгиланган тартибга асосан бундай ҳолат жиноят ҳисобланиб, қоидани бузган шахсларга жиноий жазо қўллаш кўзда тутилган. Қорақалпоғистон Республикасида сув ресурсларини исроф қилиш, уруғчиликка етарли даражада эътибор бермаслик оқибатида етиштирилган сифатсиз уруғликни олиб экадиган хўжаликлар икки томонлама жабр кўрмоқда. Бунда, биринчидан, ҳосилдорлик юқорида айтилганидек, паст, иккинчидан, шоли етиштириш учун қилинган харажатлар жуда катта бўлиб, улар ўрни йилдан-йилга қопланмай хўжаликлар қарзга ботмоқда. Оқибатда давлат томонидан қилинган ҳаражатлар ҳам самарасиз совурилмоқда.

Юртбошимизнинг шу йил 17 июль куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясидаги сўзлаган нутқида мамлакатимиз аҳолисини гуруч билан таъминлашда бу ўлка муҳим ўрин эгаллашини таъкидлаб, бу борадаги муаммоларни тез бартараф қилишда аниқ йўл-йўриқлар кўрсатилди.

Кўп йиллик тажрибаларнинг кўрсатишича, шолининг тўлиқ пишиб улгурмаслигига фойдали ҳароратнинг етишмаслиги сабаб бўлмоқда. Эрта баҳорда вилоятлар бўйича берилган агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилмаслиги, экиш муддатларининг чўзилиб кетиши вегетация палласининг қисқаришига сабаб бўлмоқда. Бунда шолини йиғиб олиш қор-ёмғирга қолиб, катта исрофгарчилик ҳоллари юз бермоқда.

Шоличиликдаги бу муаммоларни ҳал қилиш учун олим ва мутахассисларимиз дунё тажрибалари асосида иш олиб бориб, эндиликда замонавий янги технологияларни, яъни шолини кўчат усулида етиштириш усулларини ишлаб чиқдилар. Бу технология бўйича дунёдаги шоликор мамлакатлар — Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Хитой давлатларида 80-110 центнердан ҳосил олинмоқда. Умуман дунёдаги барча шоликор мамлакатларда 135 миллион гектардан ортиқ ерга шоли экилаётган бўлса, шундан 125 миллион гектардан зиёдига шоли кўчати ўтказиш технологияси асосида етиштирилади ва юқори ҳосил олинади. Бу технология Жанубий Корея, Япония, АҚШ каби мамлакатларда юз фоиз қўлланилмоқда. Хитой, Ҳиндистон, Малайзия шолизорларида эса ишчи кучининг кўплиги ва замонавий техника етишмаслиги туфайлигина 50-60 фоиз майдонларда шоли кўчат ўтказиш технологияси асосида ўстирилмоқда.

Институт олимлари сўнгги 4 йил ичида ушбу технологияни малакатимизда жорий қилиш бўйича кенг миқёсда илмий-амалий ишларни олиб бормоқдалар. Тажрибалар институт марказий тажриба хўжалигида ва унинг филиалларида ўтказилиб, Андижон, Хоразм, Тошкент вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжаликлари далаларида олиб борилмоқда. Шолини кўчат усулида етиштиришнинг энг эътиборга лойиқ шарт-шароитларидан бири кўчатни қўлда экиш учун кўчатхонада, махсус кассеталарда иссиқхоналарда 30-35 кунда етиштирилади. Бу шароит шолининг далада пишиб етилишини 25-30 кунга тезлаштиради ва вегетация давомида етишмай қоладиган ҳарорат иссиқхонада етиштириш ҳисобига қопланади.

Шолини асосий экин сифатида экканда 70 центнердан ортиқ, кузги бошоқли дон экинларидан кейин такрорий экин сифатида экканда 40-45 цетнердан ҳосил олинди. Шуниси эътиборга лойиқки, ҳосил асосий ва такрорий экилган майдонларда ҳам октябрь ойининг бошларида тўлиқ пишиб етилиб, ўриб йиғиб олинди.

Кўчат машиналарда экилганда иш унуми ортади, яъни 1 машина ўртача бир кунда 3 гектаргача ерга шоли ўтказиши ёки 300-400 кишининг ишини бажариши мумкин. Ўзбекистонда кўчат қилиб экиш технологияси бўйича шоли етиштириш учун техника харид қилишга 2 миллион долларга тенг маблағ ажратилди. Бу маблағга Жанубий Кореядан 130 та ҳар хил русумдаги шоли кўчати экиш машиналари, 40 дан ортиқ иссиқхонада кўчат етиштириш бўйича комплекс линиялар, шолипояларда сувда юриб текислаш ишларини бажарадиган мотоблоклар, сувда юриб ишлов берадиган тракторлар ҳамда ўрим-йиғим учун комбайнлари кетирилмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Ўзбекистон Шоличилик илмий-тадқиқот институти шолини кўчат қилиб экиш бўйича услубий тавсияномаларни ишлаб чиқиб, экиш машиналарини олган 100 дан ортиқ хўжаликлар билан шартнома асосида кўчат экиш ва машиналардан унумли фойдаланиш бўйича мутахассис ва механизаторларни ўқитиш, ўргатиш ва тайёрлаш ишларини бошлади. Ушбу янги технологиянинг истиқболи кўчат ўтказиш машинасига боғлиқ бўлгани учун келгусида хўжаликларни кўчат экиш машиналари билан етарли даражада таъминлаш мўлжалланмоқда ва қилинган ҳисоб-китоблар масалага жиддий муносабатда бўлишни тақозо этмоқда.

Бу технология ердан унумли фойдаланиш билан бирга экинлар алмашиши туфайли тупроқ унумдорлигини яхшилаб, ундаги касалликларни камайтиради, бу эса кейин экиладиган экин ҳосилдорлигини оширишда айниқса ижобий ўрин тутади. Шолини кўчат усулида экиш технологияси жорий қилиниши республикамизда шоли майдонини кенгайтирмаган ҳолда ҳосилдорликни ошириш ҳисобига 0,8-1 миллион тонна ҳосил олиш мумкин. Бу эса ўз навбатида етиштирилган гуручнинг бир қисмини четга сотиш имкониятини беради. Ушбу жорий қилинаётган янги технология республика шароитида шоли етиштиришда айнан шу масалага жавоб бериш билан биргаликда ғалла мустақиллигининг таркибий қисми бўлган шоли муаммосини ҳам тўлиқ ҳал қилади.

Шоличиликда техника таъминоти масаласини ҳам кўриб чиқиш ҳозирги кунда долзарб масалалардан биридир. Хусусан, шолипойларни ҳайдаш, тупроқни экишдан олдин майин қилиб тайёрлаш, текислаш, шолига ўғит, гербицидлар бериш учун ҳам техника етишмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳозирги вақтда Американинг «Кейс», Германиянинг «Класс», Япония ва Жанубий Корея комбайнларидан унумли фойдаланилмоқда ва жуда катта давлат маблағи сарф қилиниб, бундай техника олиб келинмоқда. Илғор замонавий техникадан унумли фойдаланиш учун эндиликда юқори ҳосилдор ғалла, шоли майдонлари керак.

Юқоридаги шоли экиш техникасидан унумли фойдаланиш билан бирга уларни ўзимизда ишлаб чиқариш масаласи ҳам пишиб етилди. «Узқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» давлат кооператив қўмитаси, «Узқишлоқхўжаликмаш-Холдинг» компанияси заводлари Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази таклифлари асосида шоличиликда юқорида кўрсатилган техникаларни қисқа вақтда ишлаб чиқишни йўлга қўйиши лозим.

**Нажим ҲАМРОЕВ,**
**Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори.**
**Ғиёсжон РАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон Шоличилик илмий-тадқиқот институти бош директори.**

# ФЕРМАДА ХАЗИНА ТОПГАНЛАР

Бозор иқтисоди шароитида ҳаётнинг мураккаб синовлари борки, элим-юртим деб куйиб-ёниб меҳнат қилаётган фидойи инсонлар ҳаёт синовларидан эсон-омон ўтиб, бир дунё бойликка эга бўлишаяпти, энг муҳими, уларга мулкдорлик насиб этяпти. Буни Қарши туманидаги Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги фермаси мисолида яққол кўриш мумкин.

— Баъзи бировлар, — дейди ферма раҳбари Зиёдулла Мажидов. — Бозор иқтисодига ўтиш сиёсатини тўғри тушунмаган ҳолда иш бошлашди. Мулк эгаси бўлиб олдим, хоҳласам молни кўпайтираман, хоҳласам бозорга олиб чиқиб сотаман, деган хом хаёлларга боришди. Натижа нима бўлди? Чорвадан барака кўтарилди. Наслли моллар бозорга чиқиб кетди. Туёқ сони, сут ва гўшт кескин камайди. Мол боқиш, бўрдоқичиликни йўлга қўйиш унутилди. Бундай нўноқлик билан иш юритиш қимматга тушди.

Қўшни хўжаликлардаги фермаларда ҳар бош соғин сигирдан кунига тўрт литрдан сут соғиб олинмоқда. Бу ерда эса у ўн литрдан ошаётир. Ҳар куни чорвадорлар бир тоннадан ошириб сут соғишаяпти. Қировли қиш кунларида ҳам бу рақам камаймади. Аксинча кўпайди. Бундай кўрсаткичга эришишнинг сабаби шуки, фермада икки йилга бемалол етадиган мол озуқаси жамғариб қўйилган. Сомондан тортиб, бедагача, силосдан тортиб сенажгача. Ҳатто беда уни ҳам бор! Тўйим озуқа кетма-кет келиб турибди. Қишин-ёзин омбор бўшамайди. Қўшни хўжаликдаги кўпчилик фермаларда сомон излаб юришибди. Фалон жойда янтоқ бор, деб эшитиб қолишса, ўша жойга дарров етиб боришади. Нархини қиммат сўрашса ҳам сотиб олишади. Кунжара, шулха ёки шрот сингари тўйимли озуқа сўраб заводга боришса ишлари битмайди. Чунки хўжалик қарзга ботган, олдин қарзни тўланг, дейишди. Зиёдулла Мажидов бошлиқ чорвадорлар эса бундай таъналарни эшитишмайди. Ферма ҳисобрақамида маблағ бор. Ҳар куни сутнинг ўзидан йигирма минг сўм даромад олишаяпти. Бир йилда-чи? Бир неча миллион сўмни ташкил этади.

Чорвадорлар гўшт етиштириш ҳисобига ҳам катта даромад олишаяпти. Ҳар йили давлатга тонна-тонналаб гўшт сотилаётир. Сўқимга боқилаётган ҳўкизларнинг ўртача тирик вазни 500—550 килограмм.

— Чорвачиликда наслчилик ишларига эътибор берилмаса, ютуқлар ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, — дейди ферма мудири.

Бу оддий ҳақиқатдан тўғри хулоса чиқараётган фермада моллар наслини яхшилаш учун тинимсиз иш олиб борилаяпти. Қизил чўл, қора ола ва эстон зотли сигирлардан олинаётган бузоқларни кўриб хурсанд бўласиз. Агар бузоқлар парвариши яхши йўлга қўйилса, улар икки ёшга етганда ҳар бирининг тирик вазни 500 килограммдан ошади. Борди-ю улар уч ёшгача боқилса, 700—750 килограммдан тош босади. Туман хўжаликларидаги бир ёшгача бўлган бузоқлар бўрдоқичилик хўжаликларига топширилади. Ҳар бир бузоқнинг ўртача тирик вазни 100—150 килограммга тўғри келади. Тўғри, айрим фермалар бузоқларни асрашга қийналишади. Чунки уларни парвариш қилиш учун етарли озуқа бўлмагани каби асрашга бинолар ҳам етишмайди. Шу боис ёш бузоқлар сув текинга сотилади. Бу ерда эса бузоқларни асраб, парвариш қилиш учун ҳамма шароит бор. Жой етарли, озуқа ҳам. Шунинг учун шу йилдан бошлаб наслли бузоқларимизни бўрдоқичилик корхоналарига топширмасликка қарор қилишган. Шу йўл билан икки йил ичида моллар камида 1200 бошга етади. Бунга эришилса икки масалада фойда қиладилар. Биринчидан, наслли молларни сақлаб қолинади, бундан ферма катта фойда кўради. Чунки хўжаликларга наслли мол сотилса, унинг нархи ҳозиргига нисбатан икки-уч ҳисса кўп бўлади. Ҳозирги кунда фермада шундай зотдор буқалар борки, нархини юз минг сўм бўлса ҳам харидор топилади. Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, зотдор буқалар парвариши яхши йўлга қўйилса, улар тирик вазнда бир тоннадан кўпроқ тош босади.

Мустақиллик туфайли юз берган бозор иқтисоди шароитида барча қатори чорвадорларга ҳам яхши яшаш учун ҳамма имкониятлар яратиб берилаётир. Масалан, яқинда оддий чўпон бўлиб ишлаётган Абдураҳмон ота Худойқулов ўғилларини уйлантирди. Тўйда ҳамма жамоа қатнашди. Энг муҳими, тўйга яхшигина тўёна тайёрлашган эди. У ерга бир бош сўқим жўнатилди. Иссиқ нон, ёғ ва ун ҳам ферма ҳисобидан бўлди. Абдураҳмон ота бу ерда 40 йилдан ошиқроқ меҳнат қилаяпти. Шу давр ичида жамоага, эл-юртга озмунча меҳнати сингмади, дейсиз?

Қадр-қиммати, иззат-икроми ўрнига қўйилганлигини кўрган чорвадорлари ўз ишига масъулиятни оширмоқдалар. Чўпонми, сут соғувчими, мол боқувчими — ким бўлишидан қатъий назар, меҳнатга онгли муносабатда бўлмоқда. Сен бугун жамоага фойда келтирмоқчисан, деган ўй билан эрта тонгдан ишга бел боғлайди. Ҳар бир бош қорамол, ҳар бош бузоқ кўз қорачиғидек асралмоқда, озуқадан тежаб-тергаб фойдаланиш шарафли бурчга айланган. Одамлар ферма бойлигини ўз мулкимиз деб қарашга одатланганлар...

Ҳа, тажрибали чорвадор Зиёдулла Мажидов раҳбарлик қилаётган жамоанинг ибратли ишлари бу билан тугамайди. Фермадан хас ҳам йўқолмайди, дейишди! Мана, сизга аҳил бўлиб ишлашнинг ҳосияти! Жамоа ўртасида бундай фикрларнинг шаклланишида раҳбарнинг хизмати беқиёс. Оилада ҳам, жамоат жойларида ҳам кўпга ибрат бўладиган фазилатлар кўзга ташланиб туради.

Баъзи бир одамлар кўп вақтим иш билан ўтиб уйимга кам келаман, рўзғор ишларини оиламга ташлаб қўйганман, дейишади. Лекин Зиёдулла Мажидов бундай фикрга қўшилолмайди. Оиланинг бир аъзоси сифатида иш кўради. Имкон топди дегунча қўлига бел ё кетмон олиб боғига киради. Ер чопиқми, жўяк олишми, дарахтларга шакл беришми — ҳаммаси қўлидан келади. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек, фарзандлари ҳам бекор туришмайди. Қарабсизки, ҳар доим ҳовли саранжом-саришта. Боғни айланган кишининг баҳри дили очилади. Меванинг ҳамма хилидан бор. Анордан тортиб ноккача, хурмодан тортиб бодомгача, узумдан тортиб гилосгача. Рўзғорда сут, қатиқ ҳам ўзларидан чиқади.

Оила бекаси Чаман Қиёмова ҳам ишда бошқаларга ибрат бўлмоқда. Ўн тўрт йилдан буён илғор сут соғувчи.

Фермада бўлганимизда меҳнат илғорлари ҳақида сўз очилди. Мудир 40 кишининг исми-фамилияси ёзилган рўйхатни кўрсатди ва ҳаммаси илғор, деб кулиб қўйди. Ёзсангиз ҳаммасини ёзинг, — деди.

Чорвадорлар билан суҳбатдан маълум бўлдики, улар кичик корхона қуришмоқчи. Бу ният амалга ошса, даромад янада кўпаяди. Ҳозир сутнинг бир килограммига бир шиша сув бермайди. Бир литр сутни етиштириш учун қанча вақт ва меҳнат сарфланади? Сувга-чи! Бу таққосимиз исбот талаб қилмайди. Ҳар ҳолда кичик корхона қурилиб ишга тушса, маҳсулот қайта ишланиб ундан олинадиган даромад камида икки-уч ҳисса ошади.

Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, чорвадорлар ўз маҳсулотларини нақд пулга сотишади. «Қаршисут» ҳиссадорлик жамиятига маҳсулот насияга сотилмоқда. Корхона қарзга маҳсулот олмоқда. Бултур ҳам худди шундай бўлган эди. Пулимизни қачон оламиз, деган саволга бир-икки ой сабр қилинглар, деб жавоб қайтаришдан нарига ўтишмаяпти.

— Бизни қийнаётган бир масала бор, — дейди суҳбатдошим, — бой бадавлат бўламан, эл-юртимга кўпроқ фойда келтираман, деган чорвадор ҳа, — деб емни пулга сотиб олавермаслиги керак. Чорва учун ер ажратиб берилган. Ердан унумли фойдаланиш керак. Оралиқ экинлари экиш мумкинми? Мумкин, Ё биров экма, дейдими? Демайди. Арпа билан буғдой-чи? 40—50 гектар майдонга беда экса-чи! Биз бунга эришсак, мол озуқасига сарфланадиган катта миқдордаги пулимизни тежаган бўламиз. Энг муҳими-етиштирилаётган маҳсулотимиз арзонга тушади.

Ферма чорвадорлари юксак марраларни кўзлашиб, гўшт ва сутни кўпайтириш учун астойдил меҳнат қилишаяпти. Камида икки йилга етадиган мол озуқаси тўплашни дилга тугишган. Ҳозирнинг ўзида икки минг тоннадан кўпроқ озуқа бор. Тўйимли озуқа-силос ва сенаж тайёрлашга алоҳида эътибор беришяпти.

**Бозор ЭРҚОРОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мубири.**

# ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

**«Сирдарёсут» ҳиссадорлик жамияти асосан тумандаги жамоа хўжаликларидан сутни қабул қилиб олиб, уни дастлабки қайта ишлаб, Тошкентга кунига 2,5—3 тонна сифатли маҳсулот жўнатмоқда. Корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, акциянинг 30 фоизи жамоага, 51 фоизи мулк қўмитасига, 19 фоизи четга тарқатилди. Мулк шакли ўзгариши, ишчи-хизматчиларнинг маошига барака киритди, уларнинг меҳнат натижаларига бўлган муносабатларини ўзгартирди. Эндиликда ҳалол меҳнат қилиб, моддий бойлик яратаётганлар шунга яраша ҳақ олишаяпти. Ҳозир ишчиларнинг маоши 2500—3500 сўмни ташкил этаяпти. Корхонани сут билан таъминлашда «Малик», Иброҳим Каримов номли, «Янги ҳаёт», Шуҳрат хусусий фермаси. Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари чорвадорларининг муносиб ҳиссалари бор. Ҳозир корхона ҳузурида ташкил этилган цехда кунига 400 буханка нон ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда хизмат қилаётганларнинг қўллари билан тайёрланган маҳсулотларнинг сифати тобора яхшиланиб боряпти. Бунда Халил Холиқов, Галина Ульниченко, Саид Мухторов, Валентина Политаева сингари ишчиларнинг муносиб хизматлари бор.**

**— Жамоамиз кичик бўлса-да, эл-юрт учун хизматимиз асқотаётганидан мамнунмиз. Келажакда маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш асосий шиоримиздир, — дейди ҳиссадорлик жамияти раиси Аҳмаджон Абдуқосимов. — Республикамиз мустақиллигининг олти йиллик тўйини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун ҳар бир касб соҳиби зиммадаги топшириқни ошириб адо этишга ҳаракат килаяпти.**

**Э. ҲАСАНОВ.**

**Тошлоқ пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти жамоаси мустақиллигимизнинг 6 йиллик тўйига муносиб меҳнат совғалари билан келишмоқда. Бугунги кунда бу корхона тамғаси билан четга, хусусан, Германия, Буюк Британия, Туркия, Бельгия, Италия каби бир қанча давлатларга сифатли пахта толаси жўнатилмоқда.**

**Шуни айтиш керакки, корхонанинг ўз ёрдамчи хўжалигида зотдор ва маҳсулдор моллар парваришланмоқда. Улардан маҳсулот олиш кун сайин кўпаймоқда.**



**СУРАТДА: ёрдамчи хўжаликнинг фидокор чорвадори Кўчқорали Ҳожибоев ўз қарамоғидаги говмишларни озиқлантирмоқда.**

**Ш. ОЛИМОВ олган сурат (ЎзА).**

*Хушхабар*

## АСРИЙ ОРЗУ УШАЛДИ

**Хўжаобод туманидаги кўҳна Имомота қишлоғи аҳолисининг асрий орзуси ушалди: Мустақиллик байрами арафасида бу ердаги барча хонадонларга зилол сув келди. «Андижонирстрой» тresти қурувчиларининг саъй-ҳаракати билан қуриб битказилган насос станцияси ёрдамида Чилустун тоғ ёнбағирликларида жойлашган қишлоққа юз метрдан кўпроқ пастликдан сув чиқарилди.**

**Янги иншоотнинг ишга туширилиши нафақат қишлоқ аҳолиси, унинг боғ-роғлари ва томорқалари, балки Абдулла Қаҳҳор номли жамоа хўжалигидаги тўрт юз гектарга яқин экин майдонларини сув билан таъминлаш имконини берди.**

## ТРАКТОРЧИ ИХТИРОСИ

**Навбаҳор туманидаги «Учтут» жамоа хўжалигининг тажрибали механизатори Абдували Исоқов яроқсиз деб топилган қишлоқ хўжалик машиналари ва эҳтиёт қисмларидан ғалла янчадиган мўъжаз дон комбайни яратди. Унинг ёрдамида бир кунда беш тоннагача дон янчиш мумкин.**

**(ЎзА).**

# МИСРДА ПАХТАЧИЛИК

ЖАҲОН ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАЖРИБАСИДАН

Миср ғўза ўстирадиган йирик давлатлардан. XXI асрда ривожланган давлатлар қаторига кириб боришни мўлжаллаётган Миср пахта етиштириш, қайта ишлаш ва экспорт қилишни кўпайтиришни асосий мақсадлардан бири қилиб қўйган. Шу боис ушбу масалага Миср ҳукумати доимо эътибор бермоқда. Кейинги йилларда янги технологияларни кўплаб ишга жорий этиш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилгани бежиз эмас.

Мисрда етиштирилган пахта дунёнинг 28 мамлакатига сотилади. 1995—1996 йилларда бундан 500 миллион АҚШ доллари миқдорида даромад қилинди. Зеро, 1996 йилга келиб Мисрда пахта билан эркин савдо қилишга ўтиш жараёни поёнига етди. 1995—96 ва 1996—97 йилларда ҳосилдорлик борасидаги фарқ диққатга сазовордир. Чунончи, 1995—1996 йилларда ғўза майдонлари умумий ҳажми 710 минг феддонни ташкил этди (1 феддон 0,42 гектарга тенг). Олинган ҳосил эса 4,8 миллион кантарни ташкил қилди (1 кантар — 44,928 килограммни ташкил этади). Мисрлик пахтакорлар етиштирилган ҳосилни ҳукумат олдиндан белгилаб қўйган нархлардан юқори нархларда сотишди. Умумий ҳосилнинг атиги 5 фоизигина давлат қабул пунктлари томонидан харид қилинди. Ўтган қишлоқ хўжалиги мавсумида ҳукумат ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида олдиндан пахтани харид қилиш юзасидан кафолатланган нархларни эълон қилди. Нархни белгилашда рақобат асосида хом ашё етиштириш билан боғлиқ турли омиллар, тахмин қилинган жаҳон нархлари ва толанинг таннархи инобатга олинди.

Бозор иқтисодиёти шароитида пахта етиштирадиганлар ҳосилни хусусий ва давлат компаниялари ёки кооперативларга сотиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳукумат бозор иқтисодиётининг муҳим дастаги — нархларни тартибга солиш Жамғармасини ташкил этган. У рақобатга бардош беришнинг энг қуйи чегарасини кафолатлайди. Чунончи, 1996—1997 йилларда Миср ҳукумати кафолатлаган харид нархлари дунёвий нархлардан юқорилигича қолмоқда. Янги мавсум бошланишида жаҳон нархлар ошадиган бўлса, пахтани экспорт қилишни кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Ғўза майдонларини 200 минг федданга кўпайтириш мўлжалланган. Энди жами ғўза майдонлари 929 минг феддании ташкил этади. Натижада пахтакорлар сифатга ва ҳосилдорликка кўпроқ эътибор бера бошлашди. Бу йилги мавсумда 7,3 миллион кантар пахта етиштириш режалаштирилган.

Ташқи савдо борасида Миср ҳукумати тўқимачилик-йигирув компанияларига зарур миқдордаги пахта толасини, агар унинг нархи давлатникидан паст бўладиган бўлса, исталган мамлакатдан импорт қилиш ҳуқуқини берган. Экспорт квоталарини ошириш сиёсати Миср пахтасига хос бўлган юқори сифатлилик ҳисобига жаҳон бозорида устунликка эришишга йўналтирилган. Бу мақсадга эришиш учун экспорт билан шуғулланадиган фирмаларнинг умумий сони экспортёрларнинг Миср иттифоқига хусусий сектордан 19 фирмани қабул қилиш ҳисобига анча орттирилди. 1996 йил сентябрдан бошлаб Ал-Искандария бандаргоҳида мамлакатда биринчи пахтачилик маҳсулотлари Биржаси фаолият кўрсатмоқда.

Пахтачилик борасидаги янги сиёсат экспорт қилиш ва хусусий секторнинг иштироки билан боғлиқ ҳар қандай вақтинчалик чекловларни истисно қилади. Форс кўрфази мамлакатлари билан биргаликда ҳосилдорликни ошириш ва тола сифати кўрсаткичларини яхшилаш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Давлат корхоналарининг хусусий секторга ўтказилиши, ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо ишларида давлат ролининг қисқартирилганлиги диққатга сазовордир. Уруғчиликни яхшилаш, мутахассисларнинг илмий ишлари ва тавсияларига алоҳида эътибор билан қаралади. Буларнинг ҳаммаси хусусий сектор асосларини мустаҳкамлаб қолмасдан, давлатнинг сифатни назорат қилиши кучайишига хизмат этади.

Ғўза ўстирадиган бошқа мамлакатлар каби Миср Ўзбекистон билан ҳамкорликни кучайтирмоқда. Бизнинг мамлакатимиз иқтисодиётнинг бу соҳасида бой тажрибага эга етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон билан ҳамкорлик Миср Араб Республикасида ярим аср илгари ташкил этилган, пахтачилик бўйича Халқаро маслаҳат қўмитаси доирасида ҳам олиб борилмоқда. Бу қўмита барча БМТ аъзолари учун очиқ бўлиб, бугунги кунда ғўза ўстирадиган ва ундан фойдаланадиган 42 мамлакатни бирлаштирган.

Ўтган йили Тошкентда Халқаро маслаҳат қўмитаси навбатдаги йиғилиши доирасида иккала мамлакат қишлоқ хўжалиги вазирликлари ўртасида ҳамкорлик юзасидан ҳужжат имзоланди. Унга кўра биргаликда тадқиқотлар ўтказиш, ғўза ўстириш ва пахтани сотиш, ахборот алмашиш, мутахассислар тайёрлаш тажрибасини ўрганиш кўзда тутилган.

Миср қишлоқ хўжалиги бош йўналиши мамлакатни қишлоқ хўжалиги асосий маҳсулотлари билан тўла таъминлашга мўлжалланган. Ҳозироқ ҳар бир қарич майдонда ҳосилдорликнинг муттасил ошиши кўзга ташланмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда асосий эътибор мамлакат бюджетига чет эл валютасининг тушишини таъминлайдиган ва қўшимча ишчи ўринлари яратадиган ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга қаратилмоқда. Пахтачилик Мисрда ана шундай тармоқлардан бири.

**Р.ҚОДИРОВ,**
**«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири.**

